

Германия ҳукумати масжидларга уюштирилган ҳужумларни қоралайди



10:00 / 13.06.2019 2282

Германия ҳукумати расмийси Стефан Сейберт муслмонларнинг ибодатхоналарига қилинган ҳар қандай ҳужум қораланишини эслатиб ўтди. Бу ҳақда iqna хабар беради.

Маълумки, Германиядаги бир нечта масжидларга радикал гуруҳлар томонидан ҳужумлар уюштирилган эди. Шу муносабат билан ушбу давлатнинг пойтахти Берлинда ОАВ вакиллари билан матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда немис расмийлари журналистларни мавзуга оид қизиқтирган саволларига жавоб берди.

— Федерал ҳукумат номидан мен муслмонларнинг ибодат қиладиган жойларига ва Германияда ибодат қилиш эркинлигига қарши қаратилган ҳар қандай ҳужум қораланишини айтишим мумкин, деди Стефан Сейберт. Шунингдек, Бремен шаҳридаги бир масжидда Қуръони Каримга нисбатан қилинган ҳурматсизлик ҳақида гапириб, тинч-тотув ибодат қилувчиларга қарши бундай тажовузга кўз юмиш мумкин эмаслигини маълум қилган.

Стефан жаноблари бу каби ҳужумларга нисбатан мамлакат сиёсатчилари ва фуқаролик жамияти вакилларининг қатъий муносабатларини ифода этиб, бундай ҳаракатлар қадриятларга зид эканини таъкидлаб ўтди.

Анжуманда қатнашган мамлакат ИИВ матбуот котиби Стив Алтер бу ҳолат бўйича давлат хавфсизлик идоралари шуғулланаётганини маълум қилган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**